



Ректор Бухарского государственного
медицинского института, проф. Ш.Ж.Тешаев




New Day in Medicine
Новый День в Медицине



ТИББИЮТДА ЯНГИ КУН

Ilmiy referativ, marfiy-ma'naviy jurnal



AVICENNA-MED.UZ



ISSN 2181-712X
EISSN 2181-2187

5 (37) 2021

**Сопредседатели редакционной
коллегии:**

**Ш. Ж. ТЕШАЕВ,
А. Ш. РЕВИШВИЛИ**

Ред. коллегия:

М.И. АБДУЛЛАЕВ,
Ш.С. АБДУЛЛАЕВ,
А. АБДУМАЖИДОВ,
М.М. АКБАРОВ,
Х.А. АКИЛОВ,
М.М. АЛИЕВ,
С.Ж. АМИНОВ,
Ш.М. АХМЕДОВ,
Ю.М. АХМЕДОВ,
Ж.Б. БЕКНАЗАРОВ (главный редактор),
Б.Т. БУЗРУКОВ,
Е.А. БЕРДИЕВ,
Р.К. ДАДАБАЕВА,
М.Н. ДАМИНОВА,
К.А. ДЕХКАНОВ,
А.А. ДЖАЛИЛОВ,
Э.С. ДЖУМАБАЕВ,
С. ИНДАМИНОВ,
А.И. ИСКАНДАРОВ,
С.И. ИСМОЙЛОВ,
Э.Э. КОБИЛОВ,
Г.А. КАРИМДЖАНОВА,
Т.С. МУСАЕВ,
Ф.Г. НАЗИРОВ,
Н.А. НУРАЛИЕВ,
Ш.Э. ОМОНОВ,
Б.Т. РАХИМОВ,
Ш.И. РУЗИЕВ,
И.А. САТВАЛДИЕВА,
Ш.Т. САЛИМОВ,
Ж.Б. САТТАРОВ,
Б.Б. САФОЕВ (отв. секретарь),
М.М. ТАДЖИЕВ,
Д.И. ТУКСАНОВА,
А.Ж. ХАМРАЕВ,
А.М. ШАМСИЕВ,
А.К. ШАДМАНОВ,
К.Б. ШОДМАНОВ,
Н.Х. ШОМИРЗАЕВ,
Б.Б. ЭРГАШЕВ,
Н.Ш. ЭРГАШЕВ,
И.Р. ЮЛДАШОВ,
М.Ш. ХАКИМОВ,
К.А. ЕГЕЗАРЯН (Россия) ДОНГ
ЖИНЧЭНГ (Китай)
В.Е. КУЗАКОВ (Россия)
Я. МЕЙЕРНИК (Словакия)
В.А. МИТИШ (Россия)
В.И. ПРИМАКОВ (Белоруссия)
О.В. ПЕШИКОВ (Россия)
А.А. ПАТАПОВ (Россия)
А.А. ТЕПЛОВ (Россия)
Т.Ш. ШАРМАНОВ (Казахстан)
А.А. ЩЁГОЛОВ (Россия)
Prof. Dr. KURBANHAN
MUSLUMOV (Azerbaijan)
Prof. Dr. DENIZ UYAK (Germany)

www.bsmi.uz

<https://newdaymedicine.com> E:

ndmuz@mail.ru

Тел: +99890 8061882

**ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН
НОВЫЙ ДЕНЬ В МЕДИЦИНЕ
NEW DAY IN MEDICINE**

Илмий-рефератив, маънавий-маърифий журнал

Научно-реферативный,

духовно-просветительский журнал

УЧРЕДИТЕЛИ:

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ
МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ
ООО «ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН»**

Национальный медицинский
исследовательский центр хирургии имени
А.В. Вишневского является генеральным
научно-практическим
консультантом редакции

Журнал был включен в список журнальных
изданий, рецензируемых Высшей
Аттестационной Комиссией
Республики Узбекистан
(Протокол № 201/03 от 30.12.2013 г.)

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:

М.М. АБДУРАХМАНОВ (Бухара)
Г.Ж. ЖАРЫЛКАСЫНОВА (Бухара)
А.Ш. ИНОЯТОВ (Ташкент)
Г.А. ИХТИЁРОВА (Бухара)
Ш.И. КАРИМОВ (Ташкент)
У.К. КАЮМОВ (Ташкент)
Ш.И. НАВРУЗОВА (Бухара)
А.А. НОСИРОВ (Ташкент)
А.Р. ОБЛОКУЛОВ (Бухара)
Б.Т. ОДИЛОВА (Ташкент)
Ш.Т. УРАКОВ (Бухара)

5 (37)

2021

ноябрь - декабрь

МУНДАРИЖА * CONTENTS * СОДЕРЖАНИЕ

SCIENTIFIC-THEORETICAL MEDICINE

<p><i>Askarova R.I.</i> THE EFFECTIVENESS OF THE USE OF ART - THERAPY IN CHILDREN WITH TUBERCULOSIS.....6</p> <p><i>Jumaeva G.A., Razhabov N.G., Sharipova R.G.</i> INFLUENCE OF PHYSIOTENS AND CONCOR ON THE FUNCTIONAL STATE OF THE ENDOTHELIUM AND PLATELET LINK.....10</p> <p><i>Adambayev Z.I., Ismailova M.O.</i> ANALYSIS OF THE EFFECTIVENESS OF THE PROPOSED OPTIMIZED ANTICONSULSANT, ANTIVIRAL AND IMMUNOMODULATORY THERAPY.....13</p> <p><i>Isroilov R.I., Salaeva Z.Sh.</i> MORPHOLOGICAL STUDY OF LYMPHOCYTIC LEUKEMIA IN CHILDREN.....18</p> <p><i>Kakharov Z.A., Batoshov A.R., Mirzakarimov B.N.</i> ANTHROPOMETRY. DEVELOPMENT OF GROWTH GUIDES AND GROWTH CHARTS.....21</p> <p><i>Sapaeva Sh.A., Madrimova A.G.</i> TYMPANOMETRY RESULTS IN NEWBORNS WITH PERINATAL CNS PATHOLOGY.....24</p> <p><i>Masharipov A.S., Masharipov S.M., Masharipova Sh.S.</i> PROSPECTS OF CRANIOCEREBRAL INJURIES.....28</p> <p><i>Niyazmetova G.T., Bakberganov P.M.</i> MORPHOLOGICAL FEATURES OF HEARING IN PREMATURE NEWBORNS.....31</p> <p><i>Rakhimova M.O., Akhmedova S.M., Kattakhodjayeva D.U.</i> IN PREGNANT WOMEN WITH THYROID HORMONE DYSFUNCTION CHANGES IN FETAL FETOMETRY INDICATORS.....35</p> <p><i>Rakhmanova U. U.</i> FEATURES OF THE RESPONSE OF THE CELLULAR LINK OF THE IMMUNE SYSTEM IN PATIENTS WITH THALASSEMIA TO THE USE OF CHELATION THERAPY.....38</p> <p><i>Salaeva Z.Sh.</i> HISTOLOGICAL AND IMMUNOHISTOCHEMICAL CHARACTERISTICS OF T-LYMPHOCYTIC LEUKEMIA.....41</p> <p><i>Djurakulov B.I., Ismailova N.A., Boykuziyev K.Kh., Kurbonov Kh.R.</i> RELATIONSHIP OF THE NEUROIMMUNOENDOCRINE SYSTEM OF THE SMALL INTESTINE AND THE APPENDICULAR PROCESS.....46</p> <p><i>Sodykova Z.Sh., Sultonov R.K.</i> DEVELOPMENT, STRUCTURAL FEATURES OF LUNGS AND BRONCHIAL TREE IN EARLY CHILDHOOD.....48</p> <p><i>Yuldashev B.S.</i> FEATURES OF THE PROBLEM OF BREAST CANCER BY REGION (LITERATURE REVIEW).....51</p>	<p><i>Tastanova G.E., Abdusamatova I.I., Nurimova D.M., Ibrohimov I.I.</i> THE CONCEPT OF THE LIMBIC SYSTEM, MORPHOLOGY AND IMPORTANCE IN HUMAN LIFE.....55</p> <p><i>Abdullayev U.R., Yuldashev B.S., Khadjimuratova M.X.</i> DISTRIBUTION OF HEPATITIS C IN KHOREZM REGION.....58</p> <p><i>Tuymachev U.A., Ashurov T.A., Rakhmonov O.R.</i> ANTHROPOMETRIC INDICATORS OF THE HEAD OF SCHOOL-AGE CHILDREN IN RURAL AREAS OF THE TASHKENT REGION.....61</p> <p><i>Akhmad N.S., Dyusembaeva A.T., Abdikerimova K.B., Orazymbetova A.M.</i> RATES OF CHANGE OF MAIN COMPONENTS BODY MASSES.....63</p> <p><i>Guseinov T.S., Kakharov Z.A., Kadiev A.Sh., Malachilava M.M., Ibragimova H.Z.</i> MACRO AND MICROSCOPIC ANATOMY OF THE OPTIC NERVE.....67</p> <p><i>Doroshevich K.N., Gertman V.D.</i> PATHOLOGICAL AND ANATOMICAL FEATURES OF DAMAGE TO VARIOUS PARTS OF THE LARGE INTESTINE IN PSEUDOMEMBRANOUS COLITIS.....70</p> <p><i>Konev V.P., Moskovskij S.N., Krivoshein A.E., Stasenko I.L., Pen'kov E.V., Sorokina V.V., Linnik M.M., Saydasheva E.M.</i> SPECIFIC FEATURES OF REGENERATION IN HUMAN BONE INJURY ON THE BACKGROUND OF OSTEOPOROSIS.....74</p> <p><i>Kurbonov S., Davlyatov I.A.</i> STRUCTURAL-FUNCTIONAL CHARACTERISTIC OF THYROID GLAND ON DIFFUSE TOXIC GOITER IN WOMEN.....77</p> <p><i>Kolomiets V.M., Pavlenko E.P., Tyunyaknn I.N.</i> CLINICAL REHABILITATION OF A TUBERCULOSIS PATIENT IN THE CIS COUNTRIES.....80</p> <p><i>Lyubov M. Makarieva, Victor A. Akulinin, Sergei S. Stepanov, Anastasia Yu. Shoronova, Dmitry B. Avdeev, Ella V. Martynova, Mikhail S. Korzhuk.</i> MORPHOMETRIC ANALYSIS OF MANIFESTATIONS EDEMA-SWELLING OF THE HIPPOCAMPAL FORMATION AFTER LIGGING OF THE COMMON CAROTID ARTERIES.....84</p> <p><i>Maksumova N.V., Fattakhov V.V.</i> BLOOD FILLING OF THE SOFT TISSUES OF THE NECK, PROLONGATION AND SPINAL CORD UNDER THE INFLUENCE OF GRAVITY.....87</p> <p><i>Moshkin A.S., Khalilov M.A., Bochkarev A.B., Sheverdin N.N.</i> ASSESSMENT OF ANATOMICAL VARIATION OF THE POSITION OF THE INITIAL FEMORAL VINA.....90</p>
---	--

Мақолалардаги маълумотлар учун муаллиф ва бош муҳаррир масъул.

Таҳририят фикри муаллифлар фикри билан муносиб бўлмаслиги мумкин.

Барча муаллифлик ҳуқуқлари химояланган.

Барча маълумотлар таҳририят ёзма рухсатисиз чоп этилмайди.

Масъул муҳаррир: Сафоев Б.Б.
Бадий муҳаррир: Пулатов С.М.
Таржимон: Fayбуллаев С.С.

Теришга берилди 10.10.2021 й.
Босишга рухсат этилди 10.11.2021 й.
Бичими 60×84 1/8.
Шартли босма табоғи 47,0.
Офсет қоғозда чоп этилди.
Алади 100 нусха.
36-бунюртма.
«HUMOYUNBEK-ISTIQLOL MO'JIZASI»
босмахонасида чоп этилди. 100000.
Тошкент, А.Темур кўчаси, 60 А.

«Тиббиётда янги кун» тиббиёт журнали таҳририяти,
Тошкент ш., 100011,
Навоий кўчаси, 30-уй,
тел.: +99890 8061882,
e-mail: ndmuz@mail.ru

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2012 йил 16 февралда рўйхатга олинган (03-084-сонли гувоҳнома).
Баҳоси келишилган нархда.
Нашр кўрсаткичи 7048.

**ИЛК БОЛАЛИК ДАВРИДА ЎПКА ЎЗАНИ ВА БРОНХ ДАРАХТИ ТАРАҚҚИЁТИ,
ЎЗИГА ХОС ТУЗИЛИШИ**

Содиқова З.Ш., Султонов Р.К.

Тошкент тиббиёт академияси.

✓ *Резюме*

Ушбу мақолада илк болалик даврида ўпка ўзани ва бронх дарахти тараққиёти, ўзига хос тузилиши тўғрисида маълумотлар келтирилган. Аниқланган морфометрик кўрсаткичлар ва гистологик тузилмаларга асосланиб хулоса қиламизки, тадқиқот натижаларидаги болаларда ўпка ўзани узайиши ва диаметрининг катталашуви ҳар хил (асинхрон) кечиб, бу илк болалик даврида бу жараёнлар жадал кечади.

Калит сўзлар: ўпка, бронх дарахти, морфологик ўзгаришлар

**РАЗВИТИЕ, ОСОБЕННОСТИ СТРОЕНИЯ ЛЕГКИХ И БРОНХИАЛЬНОГО ДЕРЕВА
В РАННЕМ ДЕТСКОМ ВОЗРАСТЕ**

Содыкова З.Ш., Султонов Р.К.

Ташкентская медицинская академия.

✓ *Резюме*

В этой статье представлена информация о развитии и особенностях строения легких и бронхиального дерева в раннем детстве. На основании выявленных морфометрических параметров и гистологических структур можно сделать вывод, что результаты исследования показали, что у детей удлинение и увеличение диаметра легких различное (асинхронное), и эти процессы ускоряются в раннем детстве.

Ключевые слова: легкое, бронхиальное дерево, морфологические изменения.

**DEVELOPMENT, STRUCTURAL FEATURES OF LUNGS AND BRONCHIAL TREE IN
EARLY CHILDHOOD**

Sodykova Z.Sh., Sultonov R.K.

Tashkent Medical Academy.

✓ *Resume*

This article provides information on the development and structural features of the lungs and bronchial tree in early childhood. Based on the identified morphometric parameters and histological structures, it can be concluded that the results of the study showed that in children the lengthening and increase in the diameter of the lungs is different (asynchronous), and these processes are accelerated in early childhood.

Key words: lung, bronchial tree, morphological changes.

Долзарблиги

ЖССТ маълумотларига кура, нафас олиш аъзолари касалликлари ўлим сабаби кўрсаткичи бўйича бешинчи ўринни (4,1-4,2%), болалар орасида эса иккинчи ўринни (16,6%) эгаллайди [1]. Тошкент шаҳрида тўсатдан ўлиш синдроми 76,5% ҳолларда 1-6 ойлик болалар орасида кузатилади. Йилнинг совуқ фаслида (ноябр, декабр) ойларида бундай ўлим ҳоллари кўпроқ кузатилади [2-3].

Эмбрионал ривожланишнинг 6-8 хафтасида ўпка тўқимасида артериал ва веноз

қон томирлар тўри шакллана бошлайди. Ривожланишнинг 3 ойида бронх дарахти сегментар ва пастки бронхлари шаклланиб бошлайди. Она қорнида ривожланишнинг 4 ва 6 ойлар оралиғида ўпка қон-томир тизимининг тез ўсиши кузатилади [4].

Илк постнатал даврда одам ва сут эмизувчи ҳайвонларда ички аъзолари шиддатли равишда ривожланиб, шаклланиб боради. Мазкур ирсий детерминатция жараёни ҳар бир ёшнинг ўзига хос қонуниятлари асосида рўй беради. Гарчи ушбу соҳада

купгина илмий ишлар қилинган бўлсада, лекин ўпка ўзанини ва ўзан шох артерия томирлари тузилиши кам ўрганилган [5].

Трахеобронхиал дарахт тузилишини, унга ёт модда тушганини бронхоскопия қилиб урганган (Н.С.Якушенко, В.А.Калашникова, Г.Ф.Паламарчук) аммо тўлиқ диагностик текширув бермаслигини айтиб ўтишган [6-7].

Тадқиқотнинг мақсади: Илк болалик даврида ўпка ўзани ва бронх дарахти тараққиёти, ўзига хос тузилишини ўрганиш мақсади қуйилди.

Материал ва усуллар

Текширув Республика паталогик анатомия марказида 2021 йил III-чоракда келган бир ёшгача бўлган чақалоқлар мурдаси устида олиб борилди. Ўлган болаларда ўпка бронх



ўпка ўзани бола туғилганидан то илк болалик давригача бир қатор морфологик ва морфометрик ўзгаришларга учрайди. Шу вақт мобайнида ўзан ўртача 2,1 мм гача узунлашиб, диаметри ўртача 3 баробарга катталашади.

йўлларида касалликлари бўлмаган асосан юрак туғма нуқсонлари ва бахтсиз ходисалар туфайли нобуд бўлган ёш болалар мурдасида ўрганилди.

Мурдалардан олинган материаллар болаларнинг ёшига: Чақолоқлик, гўдақлик, илк болалик даврларига қараб 3 гуруҳга ажратилди. Ҳар бир гуруҳда камида 10-12 та ўпка ўзани ва артерияларининг бўлиниши ва бронх дарахтини тавсифи жойлашуви, шакли, узунлиги, диаметри ва қалинлиги аниқланди. Ўпка ўзани ва бронх дарахти шохланиши, диаметри ва узунлиги штангенциркуль ёрдамида ўлчанди. Микроскопик текширувлар учун ўпка ўзани ва унинг артериялари, бронхлари 4-6 мкм қалинликдаги кундаланг ва бўйлама кесмаларини гемотоксиллин-эозин, Ван-Гизон усулларида бўялди.



Макроскопик текширувлар натижаларига кўра, чақолоқлик ва гўдақлик даврида ўпка ўзани 1,9 мм, диаметри 1,7 мм гача ошар экан. Илк болалик даврига келиб, (1-3 ёш) ўзан узунлиги 61%, диаметри 72% га ошди.

Болалик даврларида ўпка ўзанининг тузулиш динамикаси ($M \pm m, \text{мм}$)

1-жадвал

Ёш даврлари	Ўпка ўзани узунлиги.	Диаметри.
Чақолоқлик.	10,91±0,05	5,65±0,07
Гўдақлик.	12,81±0,43	7,35±0,39
Илк гўдақлик.	20,56±0,9	12,64±0,59

Ҳар бир қон томири ички, ўрта ва ташқи қаватлардан иборат бўлиб, уларнинг қалинлиги ёшга мос тартибда турли тартибда ўзгаради. Чақолоқларда ўрта қават қалинлиги (ўртача) 50,2%ни, ташқи қаватники 48,2% ва ички қавати 1,5%ни ташкил этди.

Умумий болалик даврида ушбу қаватлар қалинлашувини ўзаро қиёслаганда ҳар бир қават асинхрон ва узлуксиз равишда қалинлашади дейишимиз мумкин.

Чақалоқларда ўпка ўзанининг ички қавати ясси эндотелиал хужайралардан иборат, эндотелий ости қатлами эса унча ривожланмаган ва юпка бўлади. Гўдақлик даврида эндотелий ости қатлами бир оз қалинлашади ва унда эластик толалар тўрини кўриш мумкин. Илк болалик даврида ўпка ўзанининг ички ва ўрта қаватлари орасидаги ички эластик мембрана унча тараққий этмаган, субэндотелийдаги эластик толалар нозик тўр ҳосил қилган, фибробласт ва бошқа

бириктирувчи тўқималар хужайралари бўйлама ва кундаланг йўналишда жойлашган. Чақалок ўпка ўзанининг ўрта қавати мушак эластик тузилишга эга ва 30-40 та ингичка эластик тола тутамларидан иборат. Гўдаклик даврида ўрта қаватда сезиларли ўзгаришлар кузатилмади. Илк болалик даврида эса, ўрта қаватида эластик толалар ва улар ҳосил қилган мембраналар бўлади. Тадқиқотимизда олинган бронхларни тарақиёти ва размерларини гуруҳчаларга мос ҳолда урганишда 1-гуруҳча чақолоқларнинг асосий бош бронхи 2450 ± 45 мкм, юқори бўлак бронхи 1700 ± 50 мкм, юқори сегментар бронхларда 1100 ± 25 мкм, Субсегментар бронхлар 375 ± 6 мкм, терминал бронхлар 185 ± 11 мкм, худди шундай пастки бўлак бронх 1800 ± 40 мкм, пастки сегментар бронхларда 1200 ± 103 мкм, пастки субсегментар бронхлар 900 ± 25 мкм, пастки терминал бронхларда эса 270 ± 6 мкм ташкил этди. 2-гуруҳча чақолоқларнинг асосий бош бронх диаметри 2850 ± 60 мкм, юқори бўлак бронхи 2100 ± 45 мкм, юқори сегментар бронхларда 1160 ± 50 мкм, субсегментар бронхлар 480 ± 10 мкм, терминал бронхлар 200 ± 10 мкм, 3-гуруҳча пастки бўлак бронхлари диаметлари 1900 ± 30 мкм, пастки сегментар бронхларда 1400 ± 120 мкм, пастки субсегментар бронхлар 980 ± 27 мкм, пастки терминал бронхларда эса 340 ± 8 мкм ташкил этди.

Хулоса

Аниқланган морфометрик кўрсаткичлар ва гистологик тузилмаларга асосланиб хулоса қиламизки, тадқиқот натижаларидаги болаларда ўпка ўзани узайиши ва диаметрининг катталашуви ҳар хил (асинхрон) кечиб, бу илк болалик даврида бу жараёнлар жадал кечади.

Мазкур даврда ўпка ўзани девори ўртача 2,1 марта қалинлашади.

Ўпка ўзани деворида ёстиқчасимон, куртаксимон тузилмалар ҳосил бўлиб, улар конни ўпкадан ўтишини муккамал бошқаради.

Бир ёшгача бўлган чақолоқларда бронх дарахтини морфометрик ўрганиш нафақат паталогоанатомик хулосалар учун балки клиницист врачларга бронх дарахти патологияларини диагностикаси ва касалликларни олдини олиш, даволашда ўз самарасини беради. Текширувмиздаги чақолоқлар бронх дарахти диаметлари ўлчамларида айтарли фарқ кузатилмади.

АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ:

1. Katharine C. Pike Jane S.A. Lucas. Respiratory consequences of late preterm birth. Paediatric Respiratory Reviews 16 (2015) 182–188.
2. M.S.Abdullakhūzhayeva. Patologik anatomiya. II-k. ism. Toshkent-2012 y.
3. Nafas a"zolar kasalliklari: khavfli ok,ibatlardan profilaktika va davo choralarigacha. Khayrullo Razhabov 08.09.2020y. <http://www.ssv.uz/>
4. Yu.Yu.Yeliseyeva. Istochnik. Detskiye bolezni. Polnyy spravochnik (anatomo-fiziologicheskiye osobennosti detey) 2008 g.
5. R.V. Basiy, V.A. Vasil'yev, I.A. Zdikhovskiy, YU.V. Dovgyallo, O.A. Beshulya Ye.S. Selivanova. Anatomiya legkikh. Vestnik gigiyeny i epidemiologii Tom 22, № 4, 2018.
6. Kharchenko V.V, Mantulina L.A, Nikishina Ye.I, Bakhmet A.A, Klochkova S.V. Sostoyaniye slizistoy obolochki trakheobronkhial'nogo dereva v norme u lyudey zrelogo vozrasta. Kurskiy nauchno-prakticheskiy vestnik "Chelovek i yego zdorov'ye". – 2016. – № 3.
7. Yakushenko N.S, Kalashnikova V.A, Palamarchuk G.F. Ekstrennaya bronkhoskopiya v diagnostike i lechenii inorodnykh tel trakhei i bronkhov u detey.

Келиб тушган вақти 09.10.2021